

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАРГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Амири Шайх Тамим бин Хамад Ол Сонийнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Доҳа шахрига келди.

Давлатимиз раҳбарини Қатар Бош вазири ўринбосари, мулоффа ишлари бўйича давлат вазири Шайх Сауд бин Абдурахмон Ол Соний ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шайх Хамад номидаги халқаро аэропортда олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қоровул саф тортди, икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти 4 ноябрь кунини Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР: КЕЛАЖАККА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

3 ноябрь кунини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Амири Шайх Тамим бин Хамад Ол Сонийнинг таклифига биноан амалий ташриф билан мазкур мамлакатга келди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Доҳада бўлиб ўтадиган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи жаҳон саммитида иштирок этади.

Мустанқиллик йилларида Ўзбекистон ва Қатар дипломатик муносабатлар ўрнатилган тортиб, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ишонч, ўзаро ҳурмат ҳамда умумий манфаатларга



Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

“КЕЛАЖАК МЕРОСИ” ХАЛҚАРО МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан барпо этилаётган Янги Ўзбекистоннинг маданий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг бу борадаги халқаро обрў-эътиборини юксалтиришда қадимий тарихий меросимиз намуналари, маданий бойликлари, илмий йутуқ ва инновацион гояларни турли шаклларда, жумладан, илмий, адабий-бадний, тасвирий йўллар билан фаол тарғиб этиш, уларнинг нафақат бүгунги, балки келгуси тараққиётимизга хизмат қиладиган таъсирчан воситага айлантиришга қаратилган интилиш ва амалий ҳаракатлар бўлгани кунда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Ана шундай гоят кенг қамровли жараёнларни Ер юзидagi барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқининг эзгу орзулари билан боғлаб, адабиёт, маданият, санъат, илм-фан, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларида юксак натижаларга эришяётган ҳамда миллий ва умумбашарий қадриятлар ривожига, глобал маданий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиб келаётган маҳаллий ҳамда хорижий ижодкор ва зиёлиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида қарор қиламан:

1. “Келажак мероси” халқаро мукофоти (кейинги ўринларда — Халқаро мукофот) таъсис этилсин.

2. Халқаро мукофот учун танловлар 2025 йилдан бошлаб ҳар йили куйидаги йўналишларда ўтказиб борилсин:

а) адабиёт;
б) маданий мерос;
в) театр ва кино;
г) мусиқа ва рақс;
д) тасвирий ва амалий санъат;
ж) мода ва дизайн;
з) илм-фан, таълим ва рақамли технологиялар.

3. Белгилансинки:

а) Халқаро мукофотнинг ҳар бир йўналиши бўйича ғолиблар **статутка, диплом ва 10 минг АҚШ доллари** миқдоридagi бир мартали рағбат пули мукофоти билан тақдирланади;
б) ғолибларга Халқаро мукофот тантанали равишда топширилади.

4. “Келажак мероси” халқаро мукофоти кенгаши тузилсин, унинг таркиби ҳамда

асосий вазифалари 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин. Маданият вазирлиги Кенгашининг илчи органи этиб белгилансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда “Келажак мероси” халқаро мукофоти тўғрисидаги **нйзони** тасдиқласин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро мукофотни хорижий мамлакатларда кенг омма-лаштиришга ва ғолиб деб топилган чет эллик иштирокчиларнинг мамлакатимизга тақлиф этилишига қўмақлашсин, шунингдек, уларга кириш визаларини, зарур ҳолларда “Тошкент” ва “Самарқанд” халқаро аэропортларида расмийлаштиришни таъминласин.

7. Маданият вазирлиги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги,

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 3 ноябрь	

БЕКОБОДЛИКЛАРНИНГ АСРИЙ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Сирдарё устида муҳташам кўприк қуриб битказилди

1976 йил. Ушбу кўприк учун илк лойиҳа чизилди — аҳолида хурсанд бўлди. Аммо у қайсидир столлар устида эскиборсиз қолди. Одамларнинг хафсаласи пир бўлди.

1989 йил. Кўприк қурилиши бошланиши ҳақида яна гаплар тарқалди. Ҳатто дарёга учта бетон устун ўрнатилди. Одамлар бу сафар ҳам умид қилди. Бироқ умидлар такрор сўнди. Учта устун дарё четида қаққайиб қолаверди.

1990 йил. Кўприк қурилиши ҳам, у ҳақидаги умидбахш ўйлар ҳам, гап-сўзлар ҳам батамом тинди. Энди ҳеч ким ҳатто орзу қилмай қўйди.



Орадан қирқ йилча вақт ўтди. Бу орада Бекобод тумани аҳолиси “дарёларнинг ул юзида” қолган қариндош-уруғларини, узатилган қизини, қуда-андасини кўриш учун 70 километр йўл босиб, Бекобод шахрини айланиб борди. Бир варақ аризасини кўрсатиш ёки қафддек маълумотнома олиш учун яна шунча йўл босиб, туман марказига қатнайверди.

Айниқса, оғир беморлар, ой-кунини яқинлашган аёллар бу йўлларда кўп азият чекди. Иссиқ-совуқ маъракалар бу одамлар йўл азобидан юраги орқага ортиларди. Шундоққина нариги соҳилда жойлашган ота уйига бирров бориб-келиш учун келинлар нари-бери 140 километр йўл юриб, тонгда кетиб, шомда зўрга қайтди. Ва ниҳоят...

Жорий йилнинг 31 октябрь кунини Бекобод тумани аҳолиси ҳаётида муҳим сана сифатида тарихга муҳланди. Боиси, узоқ йиллар давомида халқ орзиниб кутган ниятлар рўёбга чикди. Президентимизнинг 2025 йил 24 июлдаги тегишли қарориди кўзда тутилган, жуда қисқа муддатларда замонавий андозаларда мустаҳкам қилиб бунёд этилган, Сирдарё устидан ўтувчи 200 метрлик кўприк, унга туташ 6 километр йўл, ушбу инфраструктурага узукка кўз қўйгандек ярашган, кўприк бошида қад кўтарган намунавий янги маҳалла биноси қуриб битказилди.

Давоми 3-бетда

ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ҲАМДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев орфан касалликларига чалинган болаларга тиббий ёрдамни яхшилаш, фармацевтика соҳасидаги ислохотларнинг ижроси ҳамда янги лойиҳалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда ирсий ва туғма касалликлар билан тутилишининг олдини олиш, кам учрайдиган (орфан) касалликларга чалинган болаларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашга қаратилган тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам тизими йўлга қўйилган.

Бугунги кунда 5 турдаги орфан ва ирсий-генетик касалликларга чалинган жами 2174 нафар бола давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул диагностика, дори воситалари ва махсус шифобахш озик-овқат билан таъминланмоқда.

Шу билан бирга, диагностика қилиш сифатининг яхшиланиши натижасида орфан касалликларининг янги турлари аниқланмоқда ва даволанишига муҳтож болаларнинг сони ортиб бормоқда.

Тақдимотда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган 2026-2030 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида ахборот берилди.

Унга қараб, эндиликда даволаниши давлат ҳисобидан қамраб олинadиган касалликларнинг сони 5 тадан 10 тага кенгайтирилади, ёш chegarаси 18 дан 21 га узайтирилади.

Дастури амалга ошириш учун 2026-2030 йилларда жами 961 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тегишли қарорни имзолаб, дастурини тасдиқлади.

Шунингдек, Президентимизга фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, “Tashkent

Pharma Park” фармацевтика кластери санoат ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар, сифат ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бажарилаётган ишлар тақдимот қилинди.

Тармоқ корхоналари томонидан қиймати 5 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, 172 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди ҳамда 286 миллион доллар инвестиция, шундан 257 миллион доллар хорижий сармоялар ўзлаштирилди.

35 та маҳаллий корхона томонидан 205 турдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, улар экспорт қилаётган давлатларнинг сони эса 55 тага етди. Шу йилнинг ўзига қиймати 29 миллион долларлик 16 та лойиҳа ишга туширилди ҳамда 830 та янги иш ўрни яратилди.

Сифат ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дори воситаларини ишлаб чиқарувчи 61 та корхонада GMP, 486 та дистрибуторлар омборида GDP ҳамда 9450 та дорихонада GPP стандарти жорий қилинди.

Тақдимот давомида импорт қилинаётган дориларнинг референт нархларини шакллантиришда турли манипуляцияларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва тақлифлар бўйича ахборот берилди.

Ҳозирда 7,6 мингта импорт дори воситасидан 4,9 мингта референт мамлакатларнинг нарх реестрида мавжуд эмас.

Тақлиф этилаётган чора-тадбирларга қўра, 2026 йил 1 январдан 2,6 минг турдаги рецентли дориларнинг нархи ўртача 40-50 фоизга тушиши кутилмоқда.

Давоми 2-бетда

Юсак эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЙЎЛИ ҲАҚИҚИЙ ДАВЛАТ АРБОБИНИНГ ЙЎЛИДИР

Хондкер Мухаммад ТАЎҲА, ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти:

— Бир пайтлар ўзбек шоири Алишер Навоий билим ва донолик инсоннинг бегадидир, деб ёзган. Бу сўзлар моҳияти Ўзбекистон Президентининг фаолиятига тўла мос келади. Чунки Шавкат Мирзиёев билим, илм-фан, умумхалқ манфаатларига бағишланган йўлни мукаммал адо этиб келмоқда. Бу қадриятлар ЮНЕСКО идеаллари билан чуқур уйғундир.

Ўзбекистон Президентининг йўли ҳақиқий давлат арбобининг йўлидир. Илмий билим, маъмурий донолик ва ўз мамлакатни тақдирини учун чуқур масъулият ҳиссини ўзида бирлаштирган давлат арбоби ўзининг кенг амалий тажрибаси ва стратегик қарашларига таяниб, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг замонавий

концепциясини шакллантира олди ва уни жамият манфаатлари йўлида самарали амалга оширишда давом этмоқда.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ: САМАРАЛИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА МАНФААТДОРЛИК ТИЗИМИ

Озиқ-овқат хавфсизлиги дунё миқёсида энг долзарб масалага айланиб бораётган айна шароитда мамлакатимизда кишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд ресурслар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Фермерлар фаолиятига давлат томонидан маблағларнинг эътибор қўламини йил сайин ошиб бораётгани боиси ҳам аслида шу. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, субсидия ҳамда имтиёзли кредитлар мисолида бунини аниқлаш мумкин.

Юртимизда бу масала давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилатири.

Тарихий ислохотлар, давлат сиёсати даражасида белгиланган устувор максadлар, соҳанинг замонавий технологиялар билан уйғун ривожланиши — буларнинг барчаси мамлакат агроносанот комплексини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Соҳага илгор агротехнологиялар, илм-фан ва инновация йутуқлари кенг жорий этилаётгани ижобий натижа бераёттири. Соҳа вакиллариининг машаққатли меҳнати рағбатлантирилмоқда. Халқона ибора билан айтганда, ниҳоят фермер ва деҳқонларнинг ҳам елкасига офтоб тегадиган кунлар, даврлар келди! Бу ислохотлар нафақат иқтисодий фаолигини оширишга, балки

Давоми 4-бетда

НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ, КИБЕРХАВФСИЗЛИК ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ СОҲАЛАРИДАГИ ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, вояга етмаган ва ёшлар орасида гиёҳвандликнинг диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитацияси тизими тубдан такомиллаштирилади.

Тақдимотда 100 дан зиёд тезкор-профилактик, ташкилий-тарбиявий, тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларини назарда tutuvchi Гиёҳвандлик ва наркотиқларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури лойиҳаси давлат раҳбари томонидан маъқулланди ҳамда бу борада узлуксиз ишлаш тизimini жорий этиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда кибержиноятчиликка қарши курашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 31 миллиондан ортиқ аҳоли интернетдан фойдаланмоқда. Шу билан бирга, сўнгги беш йилда юртимизда кибержиноятлар сони 68 баробарга кўпайган. Жорий йилнинг ўзига 46 мингдан ортиқ кибержиноят аниқланган. Улар орқали жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар 1,2 триллион сўмдан ошган.

Фуқароларнинг шахсий маълумотлари, банк карталари ва электрон имзолари бўйича амалга оширилаётган фирибгарликлар сони кескин ортиб бормоқда. Жиноятларнинг катта қисми интернет орқали амалга оширилиб, энг кўп тарқалган усуллардан бири банк карталарини орқали содир этилаётган киберфирибгарлик ҳисобланади.

Шахсий маълумотлар ҳимояси бўйича аниқ механизм мавжуд эмас, айрим тадбиркорлик субъектлари мижозларнинг маълумотларини очиқ базаларда сақламоқда. Давлат хизматлари соҳасида ҳам биометрик идентификация ва электрон рақамли имзолардан фойдаланишда киберхавфсизлик бўйича етарли қафолатлар таъминланмаган.

Шунингдек, банк тизимида киберхужумларнинг олдини олиш, шубҳали пул операцияларини аниқлаш ва тезкор чора қўриш механизмлари етарли даражада самарали ишламаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, тақдимотда соҳанинг ҳуқуқий, технологик ва илмий-услубий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Мутасаддилар бу борада ишлаб чиқилган ечимларни баён қилди.

Шахсга доир маълумотлар билан ишлашда киберхавфсизлик талабини, бундай маълумотларни шифрлаб сақлаш тартибини жорий этиш, маълумотта ишлов берувчи шахсларнинг реестрини юритиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Банк соҳасида онлайн-микроқарз ажратишда фирибгарлар таъсирини чекловчи замонавий ҳимоя тизимларини жорий этиш, фирибгарлик натижасида жабрланувчининг номига олинган микроқарзни ундан ундирмаслик, шубҳали банк ҳисобварақларини блоклашни туну кун режимида йўлга қўйишнинг механизмлари тақлиф қилинди.

Кибержиноятчиликнинг янги турлари — смарт қурилмаларга ҳужумлар, крипто-активларни ноқонуний эгаллаш каби таҳдидларнинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ҲАМДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Тақдимот давомида фармацевтика маҳсулотларининг давлат харидларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Шифохоналарда сифатсиз маҳсулотлар хариди ва коррупцион омилларни бартараф қилиш мақсадида эндиликда барча давлат харидлари “fapma.xarid.uz” махсус электрон тизим орқали амалга оширилади.

Махсус электрон тизим ишга туширилгандан сўнг давлат харидларида фақат ишлаб чиқариш, тақдиз бериш ва махсулот хавфсизлиги бўйича барча зарур сертификатларга (GMP, ISO:13485 GDP) эга иштирокчилар қатнаша олади.

Давлат харидлари ҳажмлари ҳамда тегишли сертификатларга эга ишлаб чиқарувчилар ва дистрибьюторлар реестрлари жамоатчилик учун очиқ бўлади. Давлат харидлари жараёнида маҳсулотларнинг нархи белгиланган референт нархларидан юқори бўлмаслиги ушбу тизимда автоматик тарзда тежисрилиди.

Давлатимиз раҳбари 2026 йил 1 январга қадар ушбу тизим доирасида давлат тиббиёт муассасаларида дори воситалари ва тиббий жиҳозлар эҳтиёжларини шакллантириш ҳамда қолдиқларини самарали бошқариш бўйича махсус платформани ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимизга, шунингдек, аҳолининг сифатли, хавфсиз ва самарадор дори воситалари билан таъминлаш мақсадида дори воситалари ва тиббий жиҳозларни давлат

Давлатимиз раҳбари тақлифларни маъқуллаб, Ички ишлар вазирлиги Киберхавфсизлик марказининг салоҳиятини ошириш ва кибержиноятларга қарши курашиш самардорлигини кучайтириш, жумладан, уларни тезкор фаш этиш бўйича етти турдаги янги экспертизани жорий этиш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Соҳа ва тармоқларни рақамлаштиришдан асосий мақсад — бюрократия ва коррупцияни камайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.

Масалан, давлат харидларида танлов ва тендерлар рақамлашгани учун шу йилнинг ўзига 7,5 триллион сўм тежалди. Бутун аҳоли ва тадбиркорларга 1 мингга яқин давлат хизматлари масофадан туриб кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, йил бошидан буён давлат органлари томонидан 7 мингдан зиёд қонунга зид ҳужжатлар қабул қилингани, шунингдек, назорат идораларининг фаолиятида 12,5 минг нафар тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилгани кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан қонунлар ижроси устидан масофавий назорат тизimini яратиш, давлат идораларида қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини текшириш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш зарур.

Тақдимотда Бош прокуратура тизимида рақамли прокурор назоратини жорий этиш, текширувлар ва мониторинг жараёнини автоматлаштириш бўйича тақлифлар ҳақида ахборот берилди. Бу орқали қонун бузилишларини эрта аниқлаш, масъул шахсларнинг ҳаракатларини реал вақт режимида кузатиш ҳамда прокурор назоратини шаффоф ва самарали ташкил этишнинг имкони яратилди.

Ҳозирда терговчиларнинг ишини баҳолаш бўйича ағона тизимнинг йўқлиги, ҳисоботларнинг “қўлда” юритилаётгани, жиноят ишларининг ҳали ҳам қозғош шаклида сақланаётгани иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳисобот тайёрлаш жараёни бир ҳафтагача вақт олмақда.

Йил бошидан буён тергов органлари томонидан 1300 та қарорни қабул қилишда процессуал тартибларга амал қилинмагани, камчиликлар туфайли 637 та жиноят ишининг материаллари судлар томонидан терговга қайтарилгани маълум қилинди.

Шу боис, жиноят ҳақида хабар келиб тушганидан тортиб, суд қарори ижросига ч бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш, тергов фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш вазифаси белгиланди. Бу тизим тергов жараёнини тезлаштиради, инсон омилни камайтиради ва масъулиятни оширади.

Шунингдек, рақамли технологиялар орқали содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш учун сунъий интеллект, киберхуқуқ ва рақамли ҳуқуқ йўналишларида кадрлар тайёрлашни бошлаш вазифаси қўйилди. Бу орқали соҳада замонавий таҳлил усулларидан фойдалана оладиган, рақамли хавф-хатарларни олдиндан аниқлайдиган ва уларга самарали жавоб беришга қодир профессионаллар қатламини шакллантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА



Одри АЗУЛЕ,
ЮНЕСКО Бош директори

Ўзбекистон тақлифига биноан ЮНЕСКОнинг 40 йиллик тарихида илк бор Бош конференциянинг Париждан ташқарида ўтказилгани катта воқеа бўлди. Сўнгги марта бундай анжуман 1985 йилда Париждан ташқарида бўлиб ўтган эди. Демак, орадан шунча йил ўтиб, дунё Шарқ цивилизацияси марказларидан бири — Самарқандда йиғилди. Бундан жуда мамнунман. Зеро, бу ерда бутун дунё учрашмоқда, маданият, таълим, фан, ахборот атрофида бирлашмоқда.

Бош конференция сессияси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда яна икки давлат раҳбари, кўплаб вазирлар иштирокида очилди. Ташкилотимизга аъзо давлатларнинг 180 дан ортиқ вакиллари

Миллий тараққиётнинг асосий устуни



Гаяне УМЕРОВА,
Ўзбекистон маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси,
ЮНЕСКО бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси раиси

Самарқандда ўтаётган ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси доирасида “Музейларда сунъий интеллектнинг роли” мавзусида конференция бўлиб ўтди. Ушбу муҳим анжумани юқори савияда ўтказишга яқиндан кўмак берган, ўзаро шериклик, ишонч ва умумий қарашлари учун ЮНЕСКО, Франция Маданият вазирлиги ва Гиме Оснэ санъати миллий музейига самий миннатдорлик билдираман.

Бутун Ўзбекистон ижодкорлик, билим, меросимиз ва келажагимиз олдидаги чуқур масъулият туйғусига асосланган чинакам маданий уйғонишни бошдан кечирмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол қўллаб-қувватлови туфайли маданият миллий тараққиётнинг асосий устуниларидан бирига, аъналар ва инновациялар, тарих ва тараққиёт ўртасидаги кўприкка айланди.



Конференция

МАДАНИЯТ ВА ТАЪЛИМ МУҲОФАЗАСИ

ИНСОНИЯТНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАСИ

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда ўтаётган 43-сессияси халқорак ҳамкорлик тимсоли бўлибгина қолмай, инсоният маданиятининг ағона илдизга эгалиги, ҳар қандай халқнинг тарих саҳнасида қолиши унинг маданияти ва тилини сақлаб қолиши билан чамбарчас боғлиқ эканини яна бир қарра уқтирди.

Кўп асрлар давомида илму маърифат маркази бўлиб келган кўҳна ва навқирон шаҳар бутун ҳам жаҳон халқларини тинчлик, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик руҳида бирлаштиришда давом этмоқда.

Бу ерда бутун дунё учрашмоқда

иштирок этмоқда. Умуман, қатнашчилар 4500 дан зиёд. Ана шу рақамнинг ўзиёқ ҳақиқатан, Самарқанд цивилизациялар чорраҳаси, дунё учрашадиган жой эканини кўрсатади.

Қадимий шаҳарга ЮНЕСКО ваколати доирасида дунё халқлари учун муҳим масалаларни муҳокама қилишга тўпландик. Бу вазифанинг бутун нафақат ушбу минтақа, балки геосиёсатда муҳим ўрин тутатган Ўзбекистонда рўёбга чиқаётгани биз учун жуда муҳим.

Самарқанд асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган маънавият ва илм маркази бўлиб келган. Шу боис, ЮНЕСКО конференциясининг айнан шу шаҳарда



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Музейлар хотира омбори эмас, балки тасаввур ва билим, аъна ва инновация учрашадиган тирик, фикрловчи организмлардир. Улар ўтмиш сақланиб қоладиган, қайта тикланидиган маконлардир. У ерга келувчи ҳар бир инсон мулоқотнинг бир қисмига айланади.

Сунъий интеллект даврида асосий вазифамиз технологиянинг инсониятга хизмат қилишини таъминлашдир. Сунъий идрокдан оқилна фойдаланилганда санъат ҳақидаги тушулчамиз бойийди, маданий меросга киришни демократлаштириш ва ижодкорлик учун янги йўللار очилади.

Биз бу технологияни эмпатия ва таълимдаги шерик, музейларга янги авлод билан янги тилда гаплашиш имконини берувчи ёрдамчи сифатида кўраимиз. Ҳукуматимиз 2030 йилга бориб сунъий интеллект соҳасида дунёнинг энг яхши 50 мамлакатидан бири қаторига кириш

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол қўллаб-қувватлови туфайли маданият миллий тараққиётнинг асосий устуларидан бирига, аъналар ва инновациялар, тарих ва тараққиёт ўртасидаги кўприкка айланди.

мақсадини эълон қилди. Олимлар, инноваторлар ва маданият арбобларини бирлаштирган Сунъий интеллект альянсини тузди. Бу шунчаки технологик қадам эмас, балки ахлоқий ва маданий мажбуриятдир.

Ўзбекистон ақинда ЮНЕСКО билан бирга фан, маданият ва таълим соҳасидаги улкан ютуқлар учун халқаро Беруний муқофотини таъсис этди. Буюк аллома номи билан аталган бу муқофот билим ва ижодкорликнинг ажралмас қисми, рамзий маънода, инсониятни вақт ва чегаралар бўйлаб бирлаштиришга умумий ишончимизни англатади. Қолаверса, барчамизни ягона мақсад сари бирлаштириб, меҳр-шафқат ва маданият каби қадриятларни ўзига мужжасам этади.



ишлаб чиқишга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада 2021 йилда қабул қилинган “Сунъий интеллект этикаси бўйича тавсиялар” муҳим қадам бўлди. Энди эса Самарқанд конференциясида нейротехнологиялар ва сунъий интеллект соҳасида янги қарорлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Анжуман доирасида маданий меросни муҳофаза этиш, сув ресурсларини бошқариш, таълим сифатини ошириш, сунъий интеллект ва музей фаолиятини интеграциялаш каби мавзулар муҳокама қилинмоқда. Бу тадбир нафақат аънавий маданият ва илм-фан соҳалари, балки келажак технологиялари ва инсон капиталини ривожлантиришни ҳам қамраб олмақда.

Шу билан бирга, мазкур конференция ЮНЕСКОнинг кейинги икки йиллик стратегик дастурини белгилаб олиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Ушбу анжуман мен учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ташкилотдаги сўнгги Бош конференциядир. Уни шундай улкан тарих ва маданият чорраҳаси бўлган Самарқандда ўтказиш ҳам рамзий, ҳам шахсий жиҳатдан жуда қимматли.

Бу воқеа нафақат ЮНЕСКО тарихига, балки жаҳон маданий ҳамкорлиги ривожига ҳам яна бир янги саҳифа бўлиб кирмоқда.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатлари юқори босқичда



Стефания ЖАННИНИ,
ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари

Ўзбекистоннинг касбий таълим соҳасига йўналтирилган сиёсати мамлакатимизда таълимнинг бошқа йўналишларида амалга оширилаётган ташаббуслар билан узвий боғлиқ. Эрта болалик ва болалар парварishi масалалари бўйича марказ лойиҳаси шулар жумласидан. У илмий тадқиқотлар ва тажриба алмашши бораида минтақавий платформага айланади.

Қолаверса, икки йилдан сўнг Ўзбекистонда Техник ва профессионал таълим кўникмаларини ривожлантириш бўйича Бутунжаҳон конференцияси ўтказилди. Ушбу халқаро форумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда ЮНЕСКО асосий ҳамкор бўлади.

Бу тадбир нафақат мамлакатингиз, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим аҳамиятга эга. Бутун ёшларга ишлаш ва ҳаётда муваффақиятли бўлиш учун зарур кўникмаларни беради. Муҳими, техник ва касбий таълимга эътибор замонавий глобал қаҳирлар — “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва рақамли технологиялар ривож билан чамбарчас боғлиқ. Бундай дастурлар ёшларга амалий кўникмаларни эгаллаш, меҳнат бозорида талаб юқори соҳаларни ўзлаштириш ва тез ўзгараётган дунёга мослашиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари узлуксиз таълим тизimini шакллантиришга қаратилган, яъни болалик давридан тортиб, олий таълимгача бўлган барча босқични қамраб олади. Бу жараёнда мамлакатнинг Малакалар ва даражаларни тан олишга оид халқаро конвенцияга қўшилгани ҳам катта аҳамият касб этди.

ЎЗА

Кўприк ишга тушиши билан Дўстлик ва Янгиовул маҳаллалари аҳолиси узоқ йиллар давомида қийналган катта муаммодан бир умрга қутулди. Энг муҳими, дарёнинг нариги томонидаги маҳаллалар марказ билан энг яқин йўл орқали боғланди.

Бошланиши 1-бетда

Шу куни тумanning “Дўстлик” ва “Янгиовул” маҳалла фуқаролар йиғинини, кенгроқ қўламда айтсак, туманни аввало, Бекобод шаҳри ва ҳатто Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри билан боғловчи, дарёнинг нариги томонидаги 7 та маҳаллада истиқомат қиладиган 40 мингдан зиёд аҳолининг туман марказигача босиб ўтадиган масофасини 44 километр қисқартирувчи кўприк ва унга туташ автомобиль йўли ҳамда маҳалла маркази биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир том маънода катта тўйга айланиб кетди. Дарёнинг ҳар икки соҳилидан аҳоли ёғилиб келиб, ота-боболари орзу қилиб ўтиб кетган ушбу кўприкни ўз кўзлари билан кўришга ошқиди.

Кимлардир ҳамроҳига, бошқалари пойтахтдан келган журналистларга бугунги кун қувончини, ушбу янги объектлар аҳамиятини тушунтиришга, энг муҳими, халқ қалбидаги шодлиқни ифодалашга баҳоли қудрат ҳаракат қиладди.

Ҳамманинг кўзида бугунги кундан розилик, халқчил ислохотлардан миннатдорлик, ўз ҳаётида содир бўлаётган мана шундай янгиликлардан севиниш аломатлари уфурди.

Президентимизнинг “Халқимиз эртага эмас, олис келажакда эмас, айнан бугун яхши яшаши керак!” деган қатъий талабининг амалий тасдиғини кўриб, кесксаю ёш бирдек тўлқинланган.

Тарихдан йўл ва кўприк қурилиши инсониятнинг энг эзгу ишларидан бири ҳисобланган. Катта салтанатлар тараққий топганда ёки таназзулга юз тутганда ҳам, маданиятлар бир-бири билан уйғунашганда ҳам йўллар яшаган, кўприклар эса инсонларни узвий боғлаб турган. Чунки йўл — жўшқин ҳаёт рамзи. Йўл бор жойда ҳаракат бор, ҳаракат бор жойда эса ривожланиш, имконият ва цивилизация бўлади.

Қадимги Римни қудратли империяга айлантирган куч унинг ишларидан бири эмас, аввало, минглаб километрга чўзилган, бир-бирини боғлаб турган мустаҳкам йўллар эди. Йўл ва кўприклар орқали товар, илм, маданиятлар алмашган ва кенг тарқалган. Юртимиздан ўтган Буюк ипак йўли аждодларимизнинг дунёга очилган эшиги, халқларни бир-бирига боғлаган восита бўлган.

Карвонлар бир қитъадан иккинчисига юрганда халқларнинг тафаккури, ихтиролари ва маданий бойликлари ҳам бир-бирига етказган. Кўприклар эса фақат икки қирғоқни эмас, икки эл орзуларини, мақсадларини бирлаштирган. Шу боис, аждодларимиз

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Сирдарё устида муҳташам кўприк қуриб битказилди

кўприк қуришни савобли, йўл очишни эса энг улуг, хайрли амаллардан бири сифатида билади.

Айтиш жоизки, Бекобод туманининг Сирдарёнинг нариги қирғоғидаги 40 минг аҳолиси турмушида айнан йўл билан боғлиқ узоқ йиллик қийинчиликлар бўлган. Илгари одамлар айланма йўллардан юришга мажбур эди, ҳар сафар асаб, вақт ва ортқича харажат сарф бўларди. Ҳатто туман марказидаги тадбирларга бориш машаққатга айланган. Масофа узун бўлса, инсон ҳаёти ҳам оғирлашади.

Бундан ташқари, ўртада кўприк йўқлиги сабаб аҳоли оддий бозор-ўчар қилиш учун туман марказига эмас, Сирдарё вилоятининг Гулистон ёки Боевут туманларига боришга мажбур эди.

Бугун ана шу изтиробли кунлар ортда қолмоқда. Шундай пайтда қисқарган ҳар бир километр одамларнинг кўнглига ёруғлик, хотиржамлик олиб кирди. Масофа қисқарди, демак, одамларнинг меҳнат унумдорлиги ошди, юзларига табассум уфурди, қудналик мушкулотлари енгиллашди. Уларнинг барчаси энг чекка ва олис ҳудудлардаги аҳолининг ташвишларини ҳам билиб турган, уларнинг муаммоларига амалий ечим топиб берган давлатимиз раҳбаридан миннатдор.

— Бекобод тумани аҳлининг кўп йиллик орзулари ушалди. Бу йўллар, янги кўприк ҳамда замонавий маҳалла қиёфаси бугун ҳоқ қайси шаҳардан кам эмас. Ушбу кўприк узоқ

“табриклайман” деб ўзаро самимий сўхбатлашаётган маҳалладошларни кўриб, дилимиздан бир гап ўтди: “Бу кўприк — авлодлар орзуси, деганларича бор экан...”

Энди одамлар олисдаги қариндош-қондошларининг тўю маъракаларида ўз вақтида қатнаша олади.

— Кўприк халқнинг бир неча ўн йиллик орзуси эканига гувоҳман, — дейди “Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Абдусамад Носиров. — Бунинг учун кўп ҳаракат қилишганини эшитганман. Минг афсуски, муаммо ўтган асрнинг 80-йиллар охиридан буён ҳал бўлмаган. Бугун мазкур иншоот барпо этилгач, одамлар қалбида янги Ўзбекистон сиёсатига, халқ қадри, манфаатига хизмат қилишга қаратилган эзгу ғояга яна бир қарра ишонч уйғонди.

— Бу кўприк бизни йўл азобидан қутқарди, — дейди “Янгиовул” маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Собира Носирова. — Қариндошларимиз, қуда-андамиз дарёнинг бу қирғоғида яшайди. Соғинсак ҳам бир-биримизнинг ҳолимиздан тез-тез хабар ололмасдик. Ёнимиздаги маҳаллага бир шаҳар айланиб келардик. Қувонганимдан ичимга сийма кетялман. Бўлар экан-ку.

Сирдарёнинг икки соҳилини болаган янги “белбоғ” асида инсонларнинг дўстлик ришталари тимсолига айланди. Бугун “Дўстлик” ва “Янгиовул” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳаммадан кўпроқ хурсанд. Уларнинг ўз-қўзидаги қувонч, шукроналик



йиллар халқимизга хизмат қилсин. Қувончингизга шерикман, — деди очилиш маросимидаги нутқда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев.

Бу кўприкнинг очилиши шунчаки расмий тадбир эмас, минглаб одамлар ўз хоҳиши, иштиёқи билан йиғилган катта халқ сайлига айланиб кетди. Бир-бири билан қучоқ очиб кўришаётган, “муборак бўлсин”,

ҳиссининг ўз сабаби ҳамда узоқ тарихи бор.

Тумanning ўртасидан оқиб ўтувчи Сирдарё устидан кўприк қурилиши Президентимиз ташаббуси ва топиригига биноан жорий йилнинг май ойида қайта бошланди.

Мазкур кўприк 2025 йил сентябрь ойида ҳамда унга олиб борувчи икки томонлама (6 километр) йўл ва пиедалар йўлаги октябрь ойида қуриб битказилди.



Янги кўприк ҳамда унга туташ автомобиль йўлида лоток (сув қочириш новлари), тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди, ногиронлиги бўлган шахслар учун пиедалар йўлаги қурилди ҳамда автомобиль йўли кенгайтирилди. Мавжуд йўл реконструкция қилинган ҳолда 1,4 километр қисми 2 тасмалидан 4 тасмалига ўтказилиб, асфальт ётқизилди. Қолаверса, мазкур ўзгаришлардан сўнг автомобиллар ҳаракати жадаллиги бир кеча-кунданги 2 мингтадан 14 мингтагача ошди бу — 7 баробар ўсish демакдир.

— Бу кўприкнинг, унга туташ йўлнинг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини яхши англайман, — дейди Янгиовул маҳалласида яшовчи меҳнат фаҳрийси Тоҳир Янгибоев. — Ёшим саксонга яқинлашди. Шу пайтгача ўз меҳнатим ва салохиятимни туманимизни ривожлантириш, ободлигига ҳисса қўлишга бағишладим. Узоқ йиллар давомида туман марказига бориш зарурати тугилиса, кунимиз шу билан ўтиб кетарди. Йўл узоклиги ва ноқулай жойлашуви туфайли шундоққина Сирдарёнинг нариги томонида яшовчи қавм-қариндошлар ҳолидан ҳам тез-тез хабар ололмасдик. Бугун эса қувончимизнинг чеки йўқ, бу биз учун дўстлик ва дийдор кўприги ҳамдир. Мана, энди узоғимиз яқин бўлди. Одамларнинг хурсандлигини қаранг. Ҳар бирининг нигоҳида ана ватанига самимий меҳр-муҳаббат, Президентимизга миннатдорлик ва ислохотларга дахлдорлик туйғуларни яққол намоён бўлиб турибди.

Шу маънода, тадбир давомида “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилган, “маҳалла еттичилиги” ҳамкорликда ишлаши, аҳолининг муаммоларига ижобий ечим беришда янгича механизм яратилгани юқоридagi ташаббус ва вазифаларнинг амалдаги ифодаси сифатида намоён бўлиб турибди.

Шу йил 14 октябрь куни Президентимиз раислигида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтганди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари

ислохотларнинг остонаси бўлган ҳар бир маҳаллага янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш, “маҳалла еттичилиги”нинг ягона жамоа бўлиб ишлаши борасида муҳим ташаббусларни илгари сурганди.

Бунда жойларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ажримларни камайтириш ва уюшмаган ёшлар билан ишлаш самарадорлигини, томорқа маданиятини ошириш ва маҳаллалар ихтисослашувидан келиб чиқиб, янги имкониятларни ишга солиш, аҳолини оммавий спортга жалб этиш каби кўплаб масалалар ҳудудлардаги муҳим бўгин — айнан “маҳалла еттичилиги” томонидан янги босқичга олиб чиқишли зарурлиги кўзда тутилган.

Шу маънода, тадбир давомида “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилган, “маҳалла еттичилиги” ҳамкорликда ишлаши, аҳолининг муаммоларига ижобий ечим беришда янгича механизм яратилгани юқоридagi ташаббус ва вазифаларнинг амалдаги ифодаси сифатида намоён бўлиб турибди.

“Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини маркази энди қақатгина кўркам бино эмас, балки аҳоли ҳаётига тубдан ижобий таъсир этувчи, яқин атрофда жойлашган “Янгиовул”, “Ўзбекистон”, “Уркзор”, “Хос”, “Ёшлик”, “Қўрғон”, “Илғор” каби МФЙлар

аҳолисига ҳам хизмат қилувчи тараққиёт ўчоғи сифати фаолият кўрсатади.

Маҳалла биноси билан бақамти қуриладиган ўқув маркази, тикувчилик цехи, футбол ва воқурат майдонлари, коттежлар ва сайилгоҳ сингари иншоотлар нафақат ҳудуд инфратузилмасини янада кўркамлаштиради, балки аҳоли, айниқса, ёшлар учун чинакам кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

Бундай шарт-шаронитлар билан энди Бекобод туманида ишсизлик ва камбағалликка тўлиқ барҳам бериш, уни саноат ва хизматлар ривожланган ҳудудга айлантириш учун барча ресурс ҳамда имкониятлар ишга солиниши шубҳасиз.

Очилиш маросимида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг бу йил кузги мавсуми доирасида автомобиль йўли бўйларига юзлаб манзарали дарахт кўчатлари экилди. Ушбу эзгу ҳаракат шу куни бутун туманда ҳам давом этди. Бекободликлар давлатимиз раҳбарининг туман аҳолисига қилган тўхфасига жавобан хонадонлари, кўча ва гузарлар, ариқ бўйларига кўчатлар экиш, ўз ҳудудларини обод қилишга янги гайрат-шижоат билан киришди.

Маҳалла ёшлари ўртасида янги йўл ва кўприк бўйлаб ташкил этилган югуриш мусобақалари, миллий халқ кўйишлари ижрочилари чиқишлари, қарнай-сурнай садолари ҳамда самимий табрик сўзлари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди. Расман очилган кўприк устидан икки томонлама ҳаракат бошланди.

Кўприк ишга тушиши билан Дўстлик ва Янгиовул маҳаллалари аҳолиси узоқ йиллар давомида қийналган катта муаммодан бир умрга қутулди. Энг муҳими, дарёнинг нариги томонидаги маҳаллалар марказ билан энг яқин йўл орқали боғланди.

Бу эса, ўз навбатида, зарурат бўлганда тиббий хизматлардан вақтида фойдаланиш, аҳолининг ишга, бозор ва хизматларга осон чиқиши, харажатлар камайиши, транспорт оқими жадаллашиши, иқтисодий алоқалар қучайишига имконият яратди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йўлка, ёқилги каби бйрамчи омилар иқтисод қилиниши ҳисобига аҳолининг йилига 8 миллиард сўми тежалиши мумкин. Ҳозиргача бехуда сарф бўлиб келган вақт ва асабларни инобатга олса, аҳоли учун ушбу объектининг қадри, ҳаётини қанчалик баланд эканини яхши англаш мумкин.

Бу кунлар ростдан ҳам туман аҳолиси учун катта тўй. Кенг ва раvon йўллар бўйида дарахтлар саф тортиб турибди, маҳаллаларнинг қиёфаси тубдан ўзгарган, бу одамлар кайфиятида ҳам ўз ифодасини топтоқди.

Зеро, Президентимиз жаҳон миқёсидаги ҳар бир чиқишда, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессияси, ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда бўлиб ўтаётган 43-сессияси, “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқро форуми каби ғоят нуфузли анжуманларда ижтимоий фаровонлиқни таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, эҳтиёжманд аҳолини самарали ҳимоя қилиш, “Инсон қадри” тамойили асосида қарқарор тараққиёт мақсадларига эришиш янги Ўзбекистонда доим устувор вазифа бўлиб қолишини тақрор-тақрор таъкидлаб келмоқда.

Бугун Бекобод туманида фойдаланишга топширилган муҳташам кўприк, янги йўллар ва замонавий маҳалла маркази халқ учун, унинг бугунги ва эртанги ҳаёти янада яхшиланиши учун амалга оширилган эзгу ишлардан яна бир тарихий намунадир.

Рашид ХЎЖАМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР: КЕЛАЖАККА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда юқори ва олий даражадаги мулоқотлар фаоллиги сезиларли даражада ошди. 2024 йил апрель ойида Тошкентда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим икки давлат ҳамкорлиги соҳнасида муҳим воқеа бўлди ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги босқичини белгилаб берди. Ҳужжатда инвестициялар, энергетика, транспорт, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган.

2023 йил июнь ва декабрь ойларида Қатар Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифлари ҳамда шу йил октябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Доҳага қилган давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларида янги босқични бошлаб берди ҳамда Тошкент ва Доҳа шериклигига стратегик йўналиш бахш этди.

Олий даражадаги мулоқот халқро форумлар доирасида ҳам изчил давом этмоқда. Жумладан, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаши саммити, Марказий Осиё — Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши саммити ҳамда бошқа

ййрик глобал тадбирларда томонлар фаол иштирок этди.

Ҳамкорлик фаоллашганининг ёрқин намунаси 2023 йил май ойида Тошкентда Қатар элчихонаси, шу йил декабрь ойида эса Доҳада Ўзбекистон элчихонаси очилиши бўлди. Бу қадамлар сиёсий ва дипломатик муносабатлар янги, сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилганини аниқлатади.

Сиёсий мулоқотда муҳим аҳамиятга эга воқеа сифатида, шунингдек, Қатар Бош вазири, ташқи ишлар вазири шайх Мухаммад бин Абдураҳмон Ол Сонийнинг 2024 йил апрель ойида Ўзбекистонга ташрифини қайд этиш мумкин. Қатар ҳукумати раҳбарлигидаги делегацияни Президент Шавкат Мирзиёев қабул қилди. Сўхбат чоғида сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, энергетика, транспорт, таълим ва маданият соҳаларидаги шериклик масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Шайх Мухаммад бин Абдураҳмон Ол Соний Тошкентда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Сидов билан ҳам музокаралар ўтказди. Томонлар икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, шу жумладан, доимий сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш масалаларида ўзаро қизиқишни тасдиқлади.



Ўз навбатида, 2024 йил март ва октябрь ойларида ташқи ишлар вазири Бахтиёр Сидов расмий ташриф билан Қатарга борди. Сафар доирасида Ўзбекистон ТИВ раҳбари Қатар Бош вазири ва ташқи ишлар вазири шайх Мухаммад бин Абдураҳмон Ол Соний, Қатар Инвестиция агентлиги ҳамда ййрик компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Музокаралар чоғида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, қатор қўша лойиҳаларга Қатар сармоясини

жалб этиш ва транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2024 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 7,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди, шундан экспорт 2,2 миллион, импорт эса 5,5 миллион долларга етди. 2025 йил январь-август ойларида

ўзаро савдо ҳажми 28 фоз ўсиб, 7 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари, мис қувурлар ва хизматлар етакчилик қилса, импортда кимёвий маҳсулотлар ва мойлаш материалари асосий ўринни эгалламоқда.

2024 йил 11–12 ноябрь кунлари Доҳада Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг илк йиғилиши ўтказилиши муҳим қадам бўлди. Шунингдек, 2024 йил июнь ойида “Qatar Airways” авиакомпаниясининг Доҳа — Тошкент — Доҳа йўналиши бўйича биринчи авиареиси амалга оширилиб, ишбилармон ва сайёҳлик алоқалари учун янги имкониятлар очилди.

Гуманитар ва маданий алоқалар томонлар ўртасидаги шериклигининг асосий йўналиши ҳисобланади ва ушбу жабадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Пандемия даврида Қатар хайрия жамғармалари Ўзбекистонга қарийб 400 минг АҚШ доллари қийматида бегараз ёрдам кўрсатди.

Сўнгги йилларда маданият ва ҳунармандлик ҳафталиклари, кўргазмалар ва концертлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2024 йилда Доҳада Ўзбекистоннинг маданият, ҳунармандлик ва туризм ҳафталиги, Тошкентда эса Қатар маданият ҳафталиги бўлиб ўтди. Тошкентдаги тадбир

очилишида Қатар маданият вазири Шайх Абдураҳмон Ол Соний иштирок этди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. 2024 йил сентябрь ойида Қатар молиявий кўмагида Термиз таълим маркази базасида афғон аёлларни ўқитиш бўйича келишув имзоланди.

Тошкент ва Доҳа ўртасидаги сиёсий мулоқот, иқтисодий шериклик ва гуманитар алоқалар изчил ривожланиш динамикасига эга. Эришилган келишувларнинг самарали амалга оширилиши икки давлат муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга — узоқ муддатли истиқбол ва минтақавий барқарорликка қаратилган стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарди.

Мухтасар айтилганда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатарга давом этаётган расмий ташрифи ва унинг Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи жаҳон саммитидаги иштироки мамлакатимиз ташқи сиёсатининг изчил давоми сифатида намоён бўлди. Шунингдек, мазкур ташриф Яқин Шарқ мамлакатлари билан ўзаро тушуниш ва ишончни мустаҳкамлашга ҳамда Тошкент ва Доҳа ўртасида ҳар томонлама, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

“Дунё” АА

“Мамлакатда салкам тўрт миллион тонналик улкан хирмон яратилди. Аксарият фермерлар шартнома мажбуриятларини ошириб бажариш билан бирга ҳозирги ғанимат кунларда далалардаги охирги пахта ҳосилини ҳам териб олиш билан машғул.



Актам ҲАЙТОВ, Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

Энди аввалгидек сон ёки рақам етишдан қувилмапти, аксинча, фермерлар етиштирилган ҳосил сифатига жиддий эътибор қаратмоқда. Яъни асосий мақсад даромад-ни кўпайтириш, манфаатдорлиқни оширишдан иборат. Ҳосилдорлик ошяптими, демак, ўз-ўзидан фермернинг ҳам даромади кўпаяди. Бу эса соҳадаги энг асосий манфаатдорлик белгисидир. Кузгиллаётганидек, тармоқда янгича муносабатлар шаклланаётгани туфайли пахта майдонлари ҳажми қисқариб бораётган бўлса-да, ўртача ҳосилдорлик сезиларли даражада ошяпти, сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда.

Ушбу ривожланиш босқичида давлатнинг кишлоқ хўжалигига оид самарали сиёсати, субсидиялар, имтиёзли кредитлар

ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш билан боғлиқ ислохотлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Албатта, очик айтиш керак, бу йил ҳам об-ҳаво шароитидан тортиб, агротехник тадбирларни амалга оширишга қадар барча жараёнлар осон кечмади. Уч фаслда туну кун қилинган ҳалол меҳнат самараси куз маҳали хирмонда маълум бўлганидек, жорий йилда ўриб, йиғиб-териб олинган ҳосил чўғи чакки бўлмади. Шундай пайтдагина англайсиз, фермернинг кўнгли тўқ, зиммасидаги шартномавий мажбуриятни бажармоқ ҳисси унинг меҳнатини янада қадрли қилади.

Пахтачилик соҳасида ҳам бу йил чин маънода инқилобий ўзгаришлар юз берди: табиат инжиқликларига қарамай, фермер ва деҳқонлар республика бўйича 875 минг

“Давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан яна бири — пахта териш машиналарининг аксарият қисмини фермерлар лизинг шартлари асосида харид қилди. Жорий мавсумда ҳар бир машина ўртача 800-1000 тонна пахта терди. Териш тракторлари терим харажати 1,5-2 баробаргача камайтириш билан бирга қисқа муддатларда ҳосилни сифатли йиғиштириб олиш имконини ҳам берди.

гектар майдонда умид билан чигит қадаган эди. Шундан 260 минг гектари хорижий навлар учун ажратилди. Четдан олиб келинган пахта навлари замонавий агротехнологиялар асосида аввал тажрибада сынаб кўрилмаган усулда, яъни қўшқатор қилиб экилди.

Мамлакатда салкам тўрт миллион тонналик улкан хирмон яратилди. Аксарият фермерлар шартнома мажбуриятларини ошириб бажариш билан бирга ҳозирги ғанимат кунларда далалардаги охирги пахта ҳосилини териб олиш билан машғул.

Албатта, бундай мисли кўрилмаган муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Айниқса, қатор фермерларимиз бу йил нав

танлашда адашмагани, пахта агротехнологияси ва уруғчилигида илгор ёндашувлар жорий этилгани учун бундай тарихий ютуқлар қўлга киритилганини теран англаб етмоқда.

Табиийки, қўлга киритилган улкан ютуқлар замирида, аввало, юртимизнинг аграр тармоғида, хусусан, пахтачиликда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда замонавий ёндашувларнинг амалий натижаси ётибди.

Бу йил ҳам кузгитилганидек, энг юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалик-лари сони тобора ортиб бораётди. Бундай юқори натижага эришишда, аввало, давлатнинг қўллаб-қувватлови ҳамда



замонавий технологиялар асосида иш юритилиши асосий омил бўлди. Бу эса нафақат фермерлар, балки бутун халқимиз фаровонлигига, бозорларимиз тўқин-сочинлигига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Биргина мисол. Бу йилги мавсумда пахта хомашёси етиштирган 28 мингдан ортиқ фермер хўжалиги тасарруфидати далаларда қарийб бир ярим миллион кишлоқ аҳолиси, жумладан, вақтинча ишсиз фуқароларимизнинг қўшимча даромад топиши учун кенг имконият яратиб берилди.

Яна бир янги инновацион ёндашуви алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз, яъни маҳаллий навлардан ташқари хориждан келтирилган пахта навлари ҳам синовдан ўтказилди. Республикаимизнинг қўлаб туманларида фермерлар ҳар бир гектар пахта экилган майдондан 50-60 центнердан, ҳатто қатор илгор фермер хўжаликлари 80 центнердан ошириб пахта ҳосили етиштирди. Бундай кутилмаган натижа яқин даврларда бўлганми-ди? Албатта, йўқ.

Бундай юқори кўрсаткич авваллари оруз эди. Илгари 40 центнер пахта ҳосили етиштириш энг катта натижа ҳисобланарди. Шундай натижани қўлга киритган илгор пахтакорларга ҳатто автомашина

йиғиб олиш имкони туғилаяпти. Бу нафақат иш жараёнини энгиллаштирмоқда, балки фермерларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришиш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Жорий йилги пахта ҳосилининг икки миллион тоннадан ортиғи ёки 52 фоизи замонавий терим машиналари қўмағида йиғиб олингани қувонарли ҳол. Эътиборлиси, ишчи кучи нисбатан тақчил бўлган Сирдарё ва Жиззах вилоятларида қарийб 90 фоиз пахта ҳосили машиналарда териб олинди.

Давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан яна бири — пахта териш машиналарининг аксарият қисмини фермерлар лизинг шартлари асосида харид қилди. Жорий мавсумда ҳар бир машина ўртача 800-1000 тонна пахта терди. Териш тракторлари терим харажати 1,5-2 баробаргача камайтириш билан бирга қисқа муддатларда ҳосилни сифатли йиғиштириб олиш имконини ҳам берди.

Бутун кишлоқ хўжалиги соҳасига дахлдор тадбиркорлар, фермерлар, аввало, амалдаги қонуналар ҳамда қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида яратиб берилган улкан имконият ва қулай шароитлардан унумли фойдаланмоқда. Хусусан, шу йилнинг март ойида Президентимиз имзолаган фармонга мувофиқ, фермер хўжаликларининг солиқ қарздорлиги бўйича ҳисобланган пенялар бекор қилингани ва ижро ишлари тўхтатилгани ҳам катта молиявий кўмак бўлди.

Дарҳақиқат, ушбу ҳужжатга мувофиқ, пахтадан гектарига 50 центнердан, ғалладан 80 центнердан юқори ҳосил олган фермерларга қатор имтиёзлар берилди. Бу ҳам, ўз навбатида, юқори натижадорликка эришишда кучли рағбат бўлмоқда.

Шунингдек, бу йилги мавсумда ҳар бир тонна териб олинган ва сотилган пахта хомашёси учун бир миллион сўмдан субсидия ажратилиши ҳақида қарор қабул қилингани ҳам фермерлар учун ўзига хос ғамхўрлик намунаси бўлди. Бу далада машаққат билан етиштирилган мўл ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга рағбат бериш билан бирга фермерлар даромадини кўпайтириш ва уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг “Агар фермер ва деҳқонни иқтисодий манфаатдор қилсак, улар давлат маблағисиз ҳам ишлай оладиган вақтлар келади”, деган сўзлари бутун ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Бу йил икки ярим мингдан зиёд фермер ёки ушбу қатламнинг ўн фоизга яқини пахтани ўз маблағи ҳисобига етиштириб, иқтисодий мустақиллик йўлида дастлабки қадамини қўйди. Зеро, ўз маблағи ёки тижорат кредити ҳисобига пахта етиштириб, хомашёни биржада сотган фермер хўжаликларига ўртача харид нархининг ўн фоизи миқдорда маблағ қоплаб берилиши ҳам катта рағбат, аслида.

“Пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш ва таннархни камайтиришнинг муҳим омилли сув тежовчи технологияларнинг жадал жорий этилиши эканини кўпчилик фермерлар энди англаб етмоқда. Бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, яхшигина имтиёзлар ҳам берилган. Масалан, жорий йилда фермер хўжаликлари ва кишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобидаги 20 минг километрга яқин ички сўғориш тармоғи бетонлаштирилди. Техамкор сўғориш технологиялари жорий қилинган майдонлар мамлакат бўйича 700 минг гектардан ошди.

Яна бир муҳим жиҳат, хомашё етиштирувчи фермерлар ва пахта тўқимачилик кластерлари ўртасида муносабатларнинг янгича ташкил этилганидир. Муҳими, бу борада эркинлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Юртимизнинг деярли барча ҳудудларида маҳсулот етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ занжирни қамраб олувчи кластерлар фаолияти ривожланиб бораётгани, уларнинг ҳам давлат томонидан тўла қўллаб-қувватланиши соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аграр соҳада рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш борасида яратилаётган имкониятлар ҳам фермерлар харажати камайтириш ва натижадорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакат миқёсида тажрибали ва илгор фермерлар сони йилдан йилга ошиб бора-япти. Улар ҳар томонлама улкан муваффақиятларга эришаётгани умумдавлат манфаатларига хизмат қилиши табиий жараён. Лафзи ҳалол, фидойи, меҳнатсевар фермерлар сони йил сайин кўпайиб бораётгани кишлоқ хўжалиги соҳаси жозибадорлиги ортаётганини аниқлатади. Бу эса юртимиз таракқиётига, озик-овқат хавфсизлигига, пировардида халқимиз фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

БУХОРО — ХАЛҚАРО КАСБИЙ МАҲОРАТ МУСОБАҚАСИ МЕЗБОНИ

Бугунги кунда глобал миқёсда юз бераётган ўзгаришлар, илгор технологияларнинг тез суръатда ривожланиши ва рақобат муҳити кескинлашуви нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жараёнларга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, энергетика соҳаси давлат мустақиллиги, иқтисодий барқарорлиги ва минтақавий хавфсизлиқнинг асосий пойдеворларидан бирига айланган. Бу соҳада фаолият юритаётган муҳандис ва техник мутахассислар эса миллий тараққиётнинг таянчи, илмий-техник салоҳиятнинг ифодаси сифатида тобора юксак кадрланмоқда.

Ҳамкорлик

Нефть ва газ соҳаси фақат ресурслар билан боғлиқ йўналиш эмас, стратегик қарорлар, юқори аниқликдаги муҳандислик ечимлари ва экологик барқарорлиқни таъминлашга қаратилган мураккаб тизимдир. Бундай шароитда юқори малакали мутахассислар — технолог, лойиҳачи, монтажчи, энергетик ёки назорат ускуналари муҳандиси каби касб эгалари иқтисодий

самарадорлик, халқаро ҳамкорлик ва ресурслардан оқилона фойдаланишнинг асосий кафолатига айланмоқда. Айнан шу воқелик замирида 2025 йил 29-31 октябрь кунлари Бухоро шаҳрида Хитой миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) ташаббуси билан “Бир макон, бир йўл”

халқаро касбий маҳорат мусобақаси бўлиб ўтди. Бу нуфузли тадбир илк бор мамлакатимизда ташкил этилгани билан соҳавий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мусобақа доирасида олти мамлакат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон,



“Тадбир 6 та асосий техник йўналиш бўйича ташкил этилди: юк кўтариш ишлари, электротехника, қувур монтажи, пайвандлаш, автоматлаштириш ва асбоб-ускуналар бўйича ишлар, шунингдек, катод ҳимояси соҳасида мутахассислар маҳорати баҳоланади. Булар ишлаб чиқариш жараёнлари марказида турган, юқори даражадаги диққат, жавобгарлик ва аниқлик талаб қилувчи касблардир.

Мьянма, Нигер ва Бенининг 9 жамоаси таркибида 86 мутахассис қатнашди. Улар ўз соҳаларида энг юқори кўникма ва маҳоратга эга бўлган профессионаллар бўлиб, бу каби халқаро миқёсдаги синовларда иштирок этиш орқали нафақат ўз малакасини намоён этади, балки тажриба алмашувга, янги технологиялар билан танишишга ҳам хизмат қилди.

Мусобақа “Asia Trans Gas” қўшма корхонаси меҳмонлигида ўтказилди. У Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой магистрал газ қувурини Ўзбекистон ҳудудида эксплуатация қилиш бўйича масъул ҳисобланади. Мусобақа

ташкilotчиси сифатида CNPC компанияси, “Ўзбекнефтегаз” АЖ эса стратегик ҳамкор сифатида қатнашди.

Тадбир 6 та асосий техник йўналиш бўйича ташкил этилди: юк кўтариш ишлари, электротехника, қувур монтажи, пайвандлаш, автоматлаштириш ва асбоб-ускуналар бўйича ишлар, шунингдек, катод ҳимояси соҳасида мутахассислар маҳорати баҳоланади. Булар ишлаб чиқариш жараёнлари марказида турган, юқори даражадаги диққат, жавобгарлик ва аниқлик талаб қилувчи касблардир.

29 октябрда мусобақа тантанали очилиш маросими, жамоалар тақдироти ҳамда те-

ника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан бошланди. Иккинчи кун иштирокчилар ҳақиқий иш шароитида ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказди.

— Ушбу тадбирда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилдик. Зеро, бу биз ва жамоамиз, қолаверса, бошқа иштирокчилар учун ҳам бирдай муҳим эди, — дейди Мьянма вакили Аунг Кав Мое. — Умид қиламанки, иштирокчилар танловда яхши қатнашди, шу жумладан, бизнинг жамоа ҳам. Шу каби мусобақа ва танловда бундан кейин ҳам иштирок этишда давом этамиз.

Беллашув давомида иштирокчилар иш шароитида мураккаб техник вазифаларни ечиши, хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя қилиб, тез ва аниқ ишлаш қобилиятини намоён этиши зорур эди. Мусобақа якунида жами 36 та — 8 та олтин, 12 та кумуш ва 16 та бронза медал, шунингдек, “Энг яхши ташкilotчи бўлими” ва “Илгор меҳнат” номинациялари бўйича ҳам махсус мукофотлар голибларга топширилди.

— Мусобақада кимдир маҳоратини кўрсатиб, муносиб ўрин эгаллади, яна кимдир малакасини ошириб олди. Умуман олганда, барча иштирокчиларда юқори кайфият бўлди, — дейди “Asia Trans Gas” қўшма корхонаси Бухоро магистрал газ қувурларини бошқариш бўлими бошлиғи ўринбосари Отабек Комилов. — Биз мусобақада муносиб иштирок этиб, 4 та биринчи, 4 та иккинчи, 4 та учинчи ўринни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида энг яхши натижани қўлга киритдик.

Мазкур мусобақанинг аҳамияти фақат касбий беллашув билан чекланиб қолмайди. У халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, трансмиллий лойиҳаларда иштирок этаётган компаниялар ўртасида тажриба алмашувини қучайтириш, соҳавий стандартларни яқинлаштириш ва энг муҳими, ёшлар орасида муҳандислик касбларига қизиқишни оширишга хизмат қилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Мамлакатимизда музыка терапияси йўналишини тизимли ривожлантириш, мутахассисларни бирлаштириш ҳамда фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳа фидойилари томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус балки кимларгадир эриш туюлар. Бироқ Ибн Синонинг илгор ғоялари, айниқса, унинг “Китоб аш-шифо” асарига эътибор қаратсак, аллома мусиқани тиббиётнинг бир тури сифатида қабул қилганини кўришимиз мумкин. У мусиқага касалликларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатларини, хусусан, ҳиссий ва руҳий касалликларни даволаш воситаси сифатида қараган.

Шу маънода, ташкил этилажак Ўзбекистон мусиқа терапияси ассоциацияси мусиқа ва тиббиёт соҳалари интеграциясини ривожлантириш, халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда илмий тадқиқот фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади, десак хато бўлмайди. Бу хусусдаги фикрларимизни Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ректори в.б., педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор Элдор ШЕРМАНОВ билан давом эттирдик.

— Ер юзининг турли ўлкаларидан турли даврларда қўллаб буюк алломалар етишиб чиққан. Улар томонидан ўз замонида турфа ихтиролар ва ишлар амалга оширилган. Хусусан, бир-бирига яқин даврда яшаб ижод этган Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино қўллаб соҳаларга тамал тоши қўйган. Улар қолдирган меросда мусиқий рисоалар ҳам талайгина. Ўзбек мусиқаси тарихида Форобий ва Ибн Сино назарияси ҳамда қарашлари кейинги даврлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилган. Хусусан, Ибн Сино мусиқани руҳ озқаси сифатида эътироф этган. Унинг фалсафий ва тиббий назариялари инсон руҳи ва жисмоний фаровонлик ўртасидаги боғлиқлиқни тушуниш учун асос яратди. Бу эса, ўз навбатида, мусиканинг асаб тизими билан ўзаро таъсири, мия тўқинларининг нақилларини ва юрак уриш тезлигининг ўзгаришчанлигини ўзгариштириш ҳақидаги замонавий кашфиётларни олдиндан белгилаб берди. Буюк тиб олими даволашнинг энг самарали усулларидан бири мусиқа тинглаш эканини таъкидлайди. Бу мусиқа терапиясининг тиббий даволашидаги ўрнини аниқ кўрсатади.

— Шундай бўлса-да, афсуски, сўнгги йилларда минтақамизда мусиқий тафаккур ва қарашлар анча ўзгариб, тиббиёт ва мусиқа бутунлай айро ҳолда ривожланди. Асли бир мақсад, яъни инсон руҳияти ва танасини соғломлаштиришни кўзланган бу соҳаларнинг алоқаси тўлиқ узилди. Лекин жаҳон тажрибасига назар солсак, дунё микёсида



мусиқа терапиясини шиддат билан ривожлантириш. Ўзбекистонда ҳам бу борада ишлар бошланганими?

— Статистик маълумотларга кўра, мазкур соҳа 1940-йиллардан шакллана бошлаган. Ҳозирги кунда 26 мингдан ортиқ мусиқа терапевти фаолият юритиб, йилга 1,6 миллиондан ортиқ инсон билан ишламоқда. Бу эса соҳага талаб ортиб бораётганидан далолат беради. Дунё микёсида мусиқа терапияси марказлари фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда мазкур соҳани жонлантиришга илк қадамлар 2024 йилдан бошланди. Хусусан, ўтган йилнинг август ойида Самарқанд шаҳрида ўтган “Шарқ тароналари” XIII халқаро мусиқа фестивали доирасида “Шарқ халқлари мусиқа маданияти: глобаллашув жараёндарида икки йўналишнинг таъмиқилари” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди. Унда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти профессор-ўқитувчилари томонидан амалиётга жорий этилган “маком капсуласи” халқаро экспертларга тақдим этилди.

қувонарли. Ўзбекистон мусиқа терапияси ассоциацияси юртимизда мусиқий терапия соҳасини янги босқичга олиб чиқишни кутиляпти, тўғрими? Соҳа вакили сифатида унинг истиқболи ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳа, бу Ўзбекистонда ҳам мусиқа терапияси татбиқ этилишига хайрхоҳликдан далолат. Мазкур ассоциацияни ташкил этиш бўйича эл ардоғидаги санъаткорлар, невропатолог, нейрофизиолог, педиатр, терапевт, психологлардан таркиб топган таъсисчиларнинг умумий учрашуви ўтказилди. Учрашув давомида ташкилот устави тасдиқланиб, раҳбар органлари — бошқарув, марказ раиси ҳамда назорат-тағтиш комиссияси сайланди. Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Бразилия каби ривожланган мамлакатларда мусиқа терапияси соғлиқни сақлаш тизимининг бир қисми сифатида кенг фойдаланиб келинаётгани тўғрисида маълумот берилди.

Ўзбекистон мусиқа терапияси ассоциациясини ташкил этиш қатнашчилар томонидан маъқулланди. Бу, албатта, келгусида қилинажак

ишларнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Ассоциация мусиқий терапиянинг жаҳон таърибасини чуқур таҳлил этиб, миллий мусиқа орқали мусиқий терапияни халқ орасида татбиқ этишга хизмат қилишига ишонамиз.

— Келинг, суҳбатимизни яна мусиқанинг инсон саломатлигига таъсири билан хулосаласак. Чунончи, ўтказилган таҳлилар мусиқа терапияси сурункали оғриқдан азият чекаётган беморларда ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилашини кўрсатди. Юқоридаги фикрларнинг мантӣқий давоми ўлароқ бунга ҳам муносабат билдирсангиз.

— Бугунги кунда мусиқа терапияси фани дунё бўйлаб янги босқичга кўтарилди. Энди у шунчаки “мусиқа тинглаб тинчланиш” эмас, балки илмий асосланган тиббий-психологик йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. 2024-2025 йилларда олиб борилган халқаро тадқиқотлар мусиқанинг мия фаолияти, ҳиссий ҳолат ва оғриқни сезиш жараёндарида чуқур таъсир кўрсатишини илмий жиҳатдан исботлади. Бу натижалар, табиийки, Ўзбекистонда ҳам мусиқа терапиясини тизимли равишда ривожлантириш ва унинг илмий-амалий инфра-тузилмасини яратиш заруратини юзга чиқармоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсулт, депрессия, стресс ва турли неврологик касалликлар ортиб бораётгани соғлиқни сақлаш тизими олдига янги вазифаларни қўймоқда. Республика бўйлаб ҳар йили минглаб беморлар инсултидан кейинги реабилитацияга ёки асаб тизими фаолиятини тиклаш жараёнида бўлиб, уларнинг катта қисмида нафақат жисмоний, балки эмоционал ва когнитив тикланиш ҳам асосий муаммага айланмоқда. Анъанавий доирив терапия кўп ҳолларда фақат физиологик симптомларни енгиллаштириш билан чекланади. Аммо инсон соғайиш жараёнининг асосий қисми миядаги нейрон алоқаларининг қайта фаллашувиغا, ҳиссий барқарорлик тикланишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мусиқа терапияси замонавий неврология ва психотерапиянинг муҳим бўғини сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоты маълумотларига кўра, мусиқа инсон миёсида допамин, серотонин ва окситоцин моддалари ажрилиб чиқишини рағбатлантиради, бу эса кайфиятни кўтариш, оғриқ сезишни камайтириш ва стресс гормонларини пасайтиришга олиб келади. Шунингдек, “Frontiers in Human Neurosciences” журналида чоп этилган тадқиқот натижалари ҳам мусиқани онгли равишда тинглаш ёки ижро этиш миянинг префронтал қобили, гиппокамп ва амигдала соҳаларидаги фаолиятни ошириши, бу хотира, диққат ва ҳиссий бошқарув билан боғлиқ жараёнларни кучайтиришини кўрсатади. Мусиқа, шунингдек, нейропластиклик, яъни миянинг янги нейрон алоқалар яратиш хусусиятини рағбатлантиради. 2025 йилда Германиядаги Maki Plank институти тадқиқотида инсултидан кейинги беморларда 6 ҳафталик мусиқа терапияси курсидан сўнг нутқ ва ҳаракат фаолияти 35 фоизгача яхшиланиши қайд этилган. МРТ натижаларида мия пўстлогининг нутқ ва ҳаракат марказларида янги нейрон боғланишлар пайдо бўлгани аниқланган. Бундай натижалар мусиқани фақат эстетик ёки руҳий озуқа сифатида эмас, балки биопсихологик шифо манбаи сифатида қўллаш зарурлигини кўрсатади. Шу маънода, мусиқа терапияси мия фаолиятини қайта уйғотувчи, асаб тизимини барқарорлаштирувчи ва руҳий мувозанатни тикловчи, илмий жиҳатдан исботланган табиий рағбат ҳисобланади.

Ўзбекистон шариоитида бу йўналиш, айниқса, муҳим. Мамлакатда стресс, чарчоқ, руҳий зўриқиш билан боғлиқ ҳолатлар кўпича етарлича психотерапевтик ёрдамсиз қолмоқда. Шу сабабли соғлиқни сақлаш тизимида мусиқа терапиясини тизимли равишда интеграция қилиш замонавий тиббиётнинг биопсихосоциал моделига мос келадиган, инсонни жисмонан ва руҳан даволовчи комплекс ёндашув ҳисобланади. Айниқса, қўллаб одамларимиз дори-дармонга ружу қўйган бугунги кунда бу турдаги “ишқибозлик”ни камайтиришда мусиқа терапияси ёрдамга келади. Яъни жисмоний тетикликка дорилар билан эмас, оҳанглар, ашулалардаги сўзлар таъсири билан эришилади. Миллий мусиқаларимиз, макомларимизнинг қалбларга шифо улаиши, дилни яйратиш хусусияти ёшлар ўртасида ҳам кенгрок намоён бўлади. Шу маънода, мусиқа терапияси соғлом руҳли, ҳам маънан, ҳам жисмонан тетик авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Муножат МўМИНОВА суҳбатлашди.



ЭРТАНГИ АВЛОД ҚАНДАЙ КОНТЕНТНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ?

Ахборот оқимининг тезлиги, интернет ва рақамли технологияларнинг жадал ривожини инсоният ҳаётини мутлақо янги босқичга олиб чиқди, яъни бугун дунё кескин ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Ҳар бир миллатнинг маънавий ва ахборий макони кўп жиҳатдан “контент” тушунчаси орқали белгиланмоқда. Ижтимоий тармоқлар, телевидение, рақамли платформа ва янгилликлар сайтлари миллатнинг маънавий кўзгуси, халқнинг фикр дунёси ва ёшларнинг кадриятлар омбори сифатида қилмоқда. Шу боис, миллий контент масаласи оддийгина ахборот оқими эмас, балки жамиятнинг эртанги кунини белгилайдиган стратегик ресурсга айланиб улгурди.

Шундай бир шариоитда миллий контент яратиш ва уни кенг оммага етказиш масаласи нафақат журналистлар, балки бутун жамият олдида доллар вазира сифатида турибди. Зеро, миллий контент халқнинг маданий хотираси, маънавий илҳизи ва миллий ўзлигининг рақамли аксиди.

Миллий контентнинг фойдаси тўрт асосий йўналишда кўринади:

Маънавий — халқни ўз илдизига боғлайди. Аждодларимиз меросини замонавий тилга ўтириб, ёшлар онгига синдиради. Масалан, “Алломини” эпоси замонавий комикс ёки аниме тарзида қайта ишлаб чиқилса, ёшлар миллий қаҳрамонни янада яқинроқ ҳис қилади ҳамда қайтадан кашф этади.

Ижтимоий — бирдамликни кучайтиради. Миллий контент кўпича умумхалқ муҳокамаси ва фариҳага айланади. Масалан, биргина “Маҳаллада дув-дув гап” фильми бутун ҳам жамиятни бирлаштирувчи тимсоллардан бири бўлиб қолмоқда. Рекламаларда замонавий образларда қайта жонлантирилганда ўзгача руҳда томоша қилишимиз сир эмас.

Тарбиявий — миллий контент ёшлар ҳам, катталарга ҳам кадриятларни синдиради. У эртақларда ҳалоллик ва меҳрин, фильмларда эса ватанпарварлик ва масъулиятни кўрсатади. Шундай қилиб, миллий контент ҳар бир авлодга ўзига хос таъсирчан тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий — сифатли контент экспорт қилинадиган маҳсулотга айланади. Бутун турк сериаллари дунё бўйлаб миллионлаб томошабин йинаётган бўлса, биз ҳам миллий руҳини сақлаган, аммо замонавий шаклда ишлаб чиқарилган фильм ва қўшиқлар билан жаҳон бозорига чиқишимиз мумкин.

Миллий контент масаласи доллар бўлса-да, биз ҳали бу йўлда қўллаб-қўвишлар билан юзма-юз турибмиз. Биринчи навбатда, қўлчилик ижодкорлар ва контент ишлаб чиқарувчилар миллийлик тушунчасини фақат анъанавий кийим, кўшқик ёки миллий таомлар билан чеклаб қўяди. Аслида эса миллий контент миллатнинг дунёқарашини, кадрияти, турмуш тарзини ва ижтимоий муаммоларини ҳам ифодалаб бера олиши керак.

Иккинчи муаммо — сифат ва профессионализм. Кўп ҳолларда миллий контент деб тақдим этилаётган маҳсулотларда замонавий технологиялар, дизайн ва креатив ёндашув етисмайди. Натижада у на ёш авлодига, на халқаро аудиторияни ўзига жалб қила олади. Оқибатда эса миллий контент истеъмолчиси уни эмас, четдан келаётган хорижий маҳсулотларни танлашни афзал кўради.

Учинчи масала — тижоратлашувнинг пастлиги. Қўллаб-қўвишлар лойиҳалар яхши ғояга эга бўлса-да, уларни монетизация қилиш механизми ишлаб чиқилмаган. Натижада ижодкорлар моддий қўллаб-қувватловсиз қолиб кетадилар, лойиҳалар эса бир неча қадамдан кейин тўхтаб қолади. Миллий контент нафақат маданий, балки иқтисодий куч ҳам бўлиши лозим. Туртинчидан, миллий контентнинг қўллаб-қўвишлари рақобатбардош бўлиши учун мос тилларга таржима қилиниши шарт. Бироқ бугунги кунда бу соҳада камчиликлар мавжуд. Кўп ҳолларда миллий маҳсулотлар фақат ички аудитория учун мўлжалланган бўлиб

фильмлар ва подкастлар яратиш орқали ёш авлодга фахр ва гурур туйғусини синдириш мумкин. Ўрф-одатларимиз, тўй маросимлари, миллий таомларимиз, кийим-кечакларимиз ва мусиқамизни тарғиб қилувчи контент эса ҳам ички бозор, ҳам халқаро туризм ва маданий алмашинув учун бебаҳо ресурс бўлиб хизмат қилади.

Агар биз рақамли технологиялар, анимация, 3D графика, виртуал реаллик каби воситалардан фойдалансак, миллий кадриятларимизни жаҳон стандартида тақдим этишимиз мумкин. Бу жараёнда давлат қўллаб-қувватлаши, хусусий сектор иштироки ва ижодкорлар ташаббуси бирлашса, Ўзбекистоннинг миллий контентни нафақат ички аудитория, балки халқаро майдонда ҳам ўз ўрнини топади.

Сўнгги йилларда ижобий мисоллар кўпайиб бораётганини ҳам эътироф этиш керак, албатта. Маҳаллий киностудиялар томонидан тарихий мавзудаги фильмлар суратга олинмоқда, анимацион студиялар миллий мультфильмлар яратмоқда, ижтимоий тармоқларда ёш блогерлар миллий кадриятларни тарғиб қилмоқда. Давлат даражасида ҳам турли грант ва қўллаб-қувватлаш дастурлари йўлга қўйилаётгани соҳага янги имкониятлар очмоқда. Бироқ ҳали қилинадиган ишлар кўп. Энг муҳими, миллий контент яратишнинг тизимли механизми ишлаб чиқишли ва узлуқсиз равишда ривожлантирилиши лозим.

Миллий контент нафақат ёшлар онгини тўлдирувчи восита, балки халқни дунёга танитувчи овоздир. Масалан, Жанубий Корея ўзининг “Халло” тўқини орқали кино, мусиқа ва мультфильмлари билан дунё бозорига катта муваффақиятга эришди. Туркия сериаллари эса бутун дунёга тарқалиб, иқтисодий, сиёсий таъсири ҳам қучайтирди. Шу каби мисоллар Ўзбекистон учун катта тажриба мактаби бўлиши керак. Биз ўз контентимизни глобал аудиторияга тақдим этиш орқали халқаро имижамизни мустақкамлашимиз мумкин.

Ҳозир ёшларнинг рақамли майдондаги асосий эҳтиёжи тезкор, сифатли ва қизиқарли контентдир. Агар биз уларга миллий кадриятларга асосланган, замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланган контент бера оласак, улар бегона маданий оқимларга камроқ қизиқади. Бунда ижодкорларнинг инновацион ёндашуви, давлатнинг молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаши, хусусий сектордаги медиакомпаниялар билан ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бугунги савол жуда кескин: эртанги авлод қандай контентни истеъмол қилади — ўзимизникини ёки бегоналарникини? Жавобни эса бугун ҳал қилишимиз керак. Чунки миллий контент ёшларимизнинг онгини тозаловчи, уларни маънавий иммунитет билан қуроллантирувчи, халқимизнинг ўз овози ва қиёфасини дунёга танитувчи воситадир. Халқ, аввало, ўз тилидан, миллатидан ва тарихидан фариҳланса ҳамда ҳарим қила олсагина, келажакка умид билан қарайди. Ёки бошқа халқлар соясига қолиб кетишга маҳкум бўлади. Шу сабабли ҳар бир ижодкор, журналист, блогер ва медиа соҳаси вакили зиммасида улкан масъулият турибди. Биз миллий контентни ривожлантириш орқали нафақат ёшларимизни ёт ғоялардан асраймиз, балки Ўзбекистоннинг овозини янада баландроқ янғратамиз. Зеро, миллий контент эртанги куннинг пойдевори, халқнинг руҳи ва келажакнинг қалитиди.

Холбой ИБРАГИМОВ,
академик,
Дилфуза ШОМАЛИКОВА,
мустақил тадқиқотчи

